



The role and importance of warranty, validity and service life in ensuring the quality and safety of goods

Shermukhammad MAMATOV¹

Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan

ARTICLE INFO

Article history:

Received May 2025

Received in revised form

15 June 2025

Accepted 25 June 2025

Available online

15 July 2025

Keywords:

warranty period,
shelf life,
service life,
ensuring product quality
and safety,
objection periods,
storage period,
quality and safety guarantee.

ABSTRACT

This article examines the roles of warranty, validity, and service life in ensuring the quality and safety of goods. The warranty period is defined as the timeframe that guarantees the reliability and high quality of the goods, while the validity period indicates whether the goods remain safe and effective for human health. The service life is the duration during which the technical and functional capabilities of the goods are maintained. The article demonstrates that accurately determining and controlling these periods is crucial for improving product quality and safety, as well as protecting consumer rights. Additionally, it discusses scientific methods and regulatory frameworks for establishing the validity and warranty periods of products.

2181-1415/© 2025 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol6-iss6/S-pp159-168>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Товарларнинг сифати ва хавфсизлигини таъминлашда кафолат, яроқлилик ва хизмат муддатларининг ўрни ва аҳамияти

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

кафолат муддати,
яроқлилик муддати,
хизмат муддати товар
сифати ва хавфсизлигини
таъминлаш,
эътироз муддатлари,
сақлаш муддати,
сифат ва хавфсизлик
кафолати.

Ушбу мақолада товарларнинг сифати ва хавфсизлигини таъминлашда кафолат, яроқлилик ва хизмат муддатларининг ўрни таҳлил қилинади. Мақолада ушбу муддатларни аниқ белгилаш ва назорат қилиш товар сифати ва хавфсизлигини ошириш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга эканлиги кўрсатиб ўтилган. Шу билан бирга, маҳсулотларнинг яроқлилик ва кафолат муддатларини аниқлашда илмий усуллар ва норматив базалар ҳам муҳокама қилинади.

¹ Teacher, Senior Lieutenant, Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan.

Роль и значение гарантийного срока, срока годности и срока службы в обеспечении качества и безопасности товаров

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

гарантийный срок,
срок годности,
срок службы,
обеспечение качества и
безопасности продукции,
сроки возражений,
срок хранения,
гарантия качества и
безопасности.

В данной статье анализируется роль гарантийного срока, срока годности и срока службы в обеспечении качества и безопасности товаров. Гарантийный срок рассматривается как период времени, обеспечивающий надежность и высокое качество товара, а срок годности – как параметр, указывающий на безопасность и эффективность товара для здоровья человека. Срок службы – это период, в течение которого сохраняются технические и функциональные возможности товара. В статье показано, что точное определение и контроль этих сроков имеет большое значение для повышения качества и безопасности товаров и защиты прав потребителей. При этом также рассматриваются научные методы и нормативные основы определения сроков годности и гарантийных сроков продукции.

Товарнинг сифати ва хавфсизлиги статик эмас, балки вақт ўтиши билан ўзгарувчан характерга эга бўлган динамик жараён ҳисобланади. Бу ёндашув материалшунослик, кимё, физика, биология ва бошқа фанларнинг интеграциялашган натижаси ҳисобланади.

Цивилистикада кафолат муддати тушунчаси ва ҳуқуқий табиатини аниқлашда турли ёндашувлар мавжуд. И.Б.Зокиров ва А.П.Сергеевларнинг фикрича, кафолат муддатлари узоқ муддат фойдаланишга мўлжалланган маҳсулотлар (товарлар, ишлар, хизматлар)га қонун, шунингдек, стандартлар, техникавий шартлар ва шартномаларда кредиторнинг маҳсулотдаги камчиликларни бартараф этишни уларни янгиси билан алмаштириб беришни талаб қилиши мумкин бўлган муддатдир[1]. Ж.Бабаевнинг таҳлилига кўра, кафолат муддатлари кўпчилик ҳолатларда товарлар, ишлар, хизматларни таклиф этишнинг ўзига хос усули ҳисобланади. Истеъмолчиларни жалб этишда кафолат муддатлари муҳим аҳамиятга эга бўлади. Чунки истеъмолчи товар, иш ва хизматга сотувчи, ишлаб чиқарувчи, пудратчи ва ижрочи томонидан берилаётган, камчиликлар ва нуқсонлар қайси пайтга қадар юзага келса, текинга бартараф этилишига қараб бозордаги товар, иш ва хизматларни танлайди. Бунда ким узоқроқ муддатни белгиласа, истеъмолчи айнан унинг товари, иши ва хизматини танлаши шубҳасиздир. Шу билан бирга кафолат муддатининг қанча вақтга белгиланганига қараб маҳсулотнинг сифати ва чидамлилигини аниқлаш мумкин[2].

Е. Шешенин эса кафолат муддатларини эътироз билдириш муддатлари билан боғлайди. Муаллифнинг таъкидлашича, агар чакана савдо орқали сотиладиган товарлар учун кафолат муддати белгиланган бўлса, харидор ушбу муддат давомида сотилган товардаги нуқсонлар юзасидан даъво билдиришга ва қуйидагилардан

бирини талаб қилишга ҳақли бўлади: товардаги нуқсонларни бепул бартараф этиш; товарни муносиб сифатли бошқа бир товарга алмаштириш; товарни қайтариб олиш ва унга тўланган пулни харидорга қайтариш[3]. Бизнинг фикримизча, кафолат муддатларини претензион муддатлар сифатида кўриб чиқиш, кафолат муддати тушунчасининг ортиқча кенг талқинига олиб келади. Дарҳақиқат, агар истеъмолчи кафолат муддати амал қилиши давомида товарда нуқсон аниқласа, у ўз талабини сотувчига билдириши мумкин. Шу билан бирга, истеъмолчи кафолат муддати тугагандан кейин ҳам, агар товарда жиддий нуқсонлар аниқланса, худди шундай талаб қўйиш ҳуқуқига эга.

Ф.Г.Хуснутдиновнинг фикрича, кафолат муддати тушунчасини ҳуқуқий институт сифатида англашда, аввало, уни узоқ муддатли фойдаланиш учун ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотларининг ишончилиги ва мустаҳкамлиги муаммосининг ҳуқуқий ифодаси сифатида қабул қилиш зарур. Унга кўра, кафолат муддати — ишлаб чиқарувчининг маҳсулотнинг барқарор ишлаши, ишончли хизмати ва сифати барқарорлигини таъминлаш бўйича берган кафолатидир. Кафолат муддати маҳсулотнинг ишончилиги билан чамбарчас боғлиқ бўлиши лозим ва у маҳсулотнинг техник хусусиятларидан бири сифатида қаралиши керак[4]. Кафолат муддатини техник хусусият билан тенглаштиришни мутлақо тўғри деб бўлмайди. Истеъмолчи товарни харид қилаётганда, шубҳасиз, унинг техник хусусиятларига асосланиб, ундан манфаат кўриш ва тўғри фойдаланиш имконини кўзда тутати. Бироқ кафолат муддати ўзи техник хусусият эмас, балки моддий дунё объекти бўлиб, истеъмолчига қўшимча фойда бермайди. Аксинча, у товарнинг белгиланган техник талабларга мос келиш-келмаслигини аниқлаш учун белгиланган вақтинча синов даври ҳисобланади.

И.Н. Петров кафолат муддатининг таърифига оид турли ёндашувларни таҳлил қилар экан, кафолат муддати давомида маҳсулотнинг сифатли бўлиши – етказиб берувчининг мажбурияти эканини таъкидлайди. Мазкур мажбуриятга мутаносиб равишда, харидорда ҳам шу муддат давомида етказиб берилган маҳсулотдаги яширин нуқсонларни аниқлаш ҳуқуқи мавжуд. Муаллифнинг фикрича, ишлаб чиқарувчининг мажбуриятлари — биринчи даражали, харидорнинг ҳуқуқлари эса иккинчи даражали бўлиб, улар мажбуриятлардан келиб чиққан ҳолда юзага чиқади[5].

Назаримизда, кафолат муддати - бу товарнинг белгиланган техник параметрларини сақлашининг илмий асосланган даври. Бу муддат ичида товар ўзининг функционал хусусиятларини тўлиқ сақлайди ва ишлаб чиқарувчи томонидан кафолатланган сифат даражасини таъминлайди.

Яроқлилиқ муддати эса товар хавфсизлигининг мутлақ чегараси бўлиб, ушбу муддат тугагач товар инсон саломатлиги учун бевосита хавф туғдиради. Айниқса, озиқ-овқат маҳсулотлари учун яроқлилиқ муддати биокимёвий жараёнлар, микробиологик ўзгаришлар ва токсин ҳосил бўлиши жараёнларига асосланади. Ж.Бабаевнинг таҳлиliga кўра, товарнинг яроқли бўлиши деган тушунча фақатгина товар истеъмолчи учун хавфсиз бўлишини билдирмайди. Шу билан бирга, товарнинг яроқлилиги унинг белгиланган сифат ва стандартлар талабларига жавоб бериши, тайинланиш мақсадига кўра фойдаланиш имкони бўлишлиги билан изоҳланади. Бунда товарнинг белгиланган муддат давомида юқоридаги талабларга жавоб бермаслиги сотувчининг жавобгарлигига олиб келади, яроқлилиқ муддати

ўтгач эса сотувчи (ишлаб чиқарувчи) жавобгарликдан озод этилади[6]. Фикримизча, товарларнинг яроқлилиқ муддати институти замонавий фуқаролик ҳуқуқида товар сифати ва хавфсизлиги билан узвий боғлиқ ҳолда мураккаб ҳуқуқий конструкцияни ташкил этади. Бу институтнинг фуқаролик-ҳуқуқий табиати нафақат вақт омилининг ҳуқуқий муносабатларга таъсирини, балки товар сифати ва истеъмолчи хавфсизлиги ўртасидаги диалектик боғлиқлик механизмларини ҳам акс эттиради.

Одатда, яроқлилиқ муддати озиқ-овқат маҳсулотларига, парфюмерия-косметика товарларига, дори-дармонлар ва майший кимё маҳсулотларига ва бошқа товарларга нисбатан қўлланилади. Яроқлилиқ муддати жорий қилинадиган товарлар учун битта умумий қоида мавжуд, яъни, вақт ўтиши билан истеъмол хусусияти ёмонлашиб борадиган товарларга яроқлилиқ муддати қўлланилади. Масалан, ёғ, туз, турли ичимликлар вақт ўтган сари ўзининг сифати ва истеъмол хусусиятини пасайтириб боради. Зеро, улар инсоннинг табиий эҳтиёжларини қондиришга қаратилади. Умуман олганда яроқлилиқ муддати фақатгина инсон табиий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган ва бевосита инсон танаси учун (масалан, парфюмерия-косметика, дори-дармонлар) ишлатиш мўлжалланган товарларга татбиқ этилади. Бундай талабларга жавоб бермайдиган товарларга нисбатан кафолат муддатлари жорий қилиниши мумкин, лекин яроқлилиқ муддати жорий этилмайди.

ФКнинг 405-моддасига мувофиқ, қонун ҳужжатларида, шу жумладан давлат стандартларида товар ўз вазифаси бўйича фойдаланиш учун яроқсиз ҳолга келиб қолган деб ҳисобланадиган вақт (яроқлилиқ муддати) белгиланади. Ушбу нормадан кўриниб турибди-ки, яроқлилиқ муддати қонун ҳужжатлари билан, қолаверса, давлат стандартлари билан белгиланади. Бунда сотувчи яроқлилиқ муддати белгиланган товарни сотиб олувчига шундай мўлжал билан топшириши керакки, токи ундан яроқлилиқ муддати тугагунга қадар ўз вазифасига кўра фойдаланиш мумкин бўлсин[7]. Зеро, ҳар қандай товар ҳам маълум вақт ўтгач истеъмол учун яроқсиз ҳолатга келиши табиий ҳол албатта. Шу муносабат билан яроқлилиқ муддати товарни истеъмол қилиш мумкинлигини ва товарнинг инсон саломатлиги учун хавфсизлигини белгилайди.

Товарнинг яроқлилиқ муддати товар тайёрланган кундан бошлаб фойдаланиш учун яроқли бўлган давр билан ёки товар фойдаланиш учун яроқли бўлиб турадиган сана билан белгиланади (ФКнинг 406-моддаси). Бу қоида яроқлилиқ муддатининг кафолат муддатидан фарқли томонларини ифода этади. Агар кафолат муддати товар истеъмолчига топширилган ёки у товардан фойдаланиш имконига эга бўлган пайтдан бошланса, яроқлилиқ муддати товар сотиб олувчига қачон топширилганидан қатъий назар, товар ишлаб чиқарилган пайтдан бошлаб ҳисобланади. Яроқлилиқ муддатлари тўғридан-тўғридан товарнинг ўзида (идишда, ғилофда ёки унинг сифат сертификатида) ёзиб қўйилса, кафолат муддати эса сотувчи (ишлаб чиқарувчи, пудратчи, ижрочи) билан харидор (буюртмачи) ўртасидаги алоҳида келишув тартибида белгиланади.

Товар сифатининг темпорал эволюцияси фуқаролик ҳуқуқида мажбуриятларнинг динамик характерини намоён этади. Классик фуқаролик ҳуқуқи доктринасида мажбуриятлар статик конструкциялар деб қаралган бўлса, яроқлилиқ муддати институти мажбуриятларнинг вақт ўтиши билан

трансформацияланишини кўрсатади. Бунда товар сифати ва хавфсизлиги параметрлари ҳуқуқий мажбуриятларнинг мазмунини белгиловчи динамик детерминантлар вазифасини бажаради.

Фуқаролик ҳуқуқининг субъектив ҳуқуқлар назарияси контекстида яроқлилик муддати истеъмолчининг хавфсиз товар олиш ҳуқуқининг темпорал чегараларини белгилайди. Бу ҳуқуқнинг реализацияси давомида товарнинг биологик, кимёвий ва физик хусусиятларининг ўзгариши истеъмолчининг субъектив ҳуқуқларининг мазмунини ҳам трансформация қилади. Яроқлилик муддати тугагач, истеъмолчининг товарнинг дастлабки сифат кўрсаткичларини талаб қилиш ҳуқуқи табиий равишда чекланади ва янги ҳуқуқий режим - товарни имҳо этиш ёки хавфсиз тарзда йўқ қилиш мажбурияти юзага келади.

Ишлаб чиқарувчининг мажбуриятлари эволюцияси яроқлилик муддати контекстида айниқса мураккаб ҳуқуқий табиатга эга. Биринчи босқичда ишлаб чиқарувчи товарнинг дастурий хусусиятларини сақлаш учун жавобгар бўлса, яроқлилик муддатининг тугаши билан унинг мажбуриятлари кардинал равишда ўзгаради. Бунда ишлаб чиқарувчи товарнинг потенциал хавфлилиги тўғрисида огоҳлантириш, товарни бозордан олиб ташлаш ва зарарни олдини олиш бўйича актив мажбуриятларни бажариши лозим бўлади.

Объектив жавобгарлик принципи яроқлилик муддати контекстида, айниқса, мураккаб қийматлар мажмуини келтириб чиқаради. Классик фуқаролик ҳуқуқида объектив жавобгарлик айб омилига боғлиқ бўлмаган жавобгарлик турини ифодалайди. Лекин яроқлилик муддати тугагач, товарнинг хавфлилиги табиий равишда ошади ва бунда айб омили янги мазмун касб этади. Ишлаб чиқарувчи товарнинг табиий деградацияси натижасида келиб чиқадиган хавфлар учун жавобгар бўлади, чунки у товарнинг темпорал хусусиятларини олдиндан билиши ва мос чораларни кўриши лозим.

Сабабий алоқа доктринаси яроқлилик муддати ўтган товарлар билан боғлиқ зарар ҳолатларида янги йўналишни олади. Адекват сабабий алоқа назарияси асосида яроқлилик муддати ўтган товар истеъмоли натижасида келиб чиқадиган зарар учун ишлаб чиқарувчининг жавобгарлиги товарнинг дастлабки нуқсонлари билан эмас, балки яроқлилик муддатидан кейин товардан фойдаланишнинг ўзи билан боғлиқ. Бунда проксимал сабаб принципи бўйича зарарга олиб келувчи бевосита сабаб истеъмолчининг ноқонуний ҳаракати (муддати ўтган товарни истеъмол қилиш) деб ҳисобланиши мумкин.

Зарарни қоплаш мажбурияти яроқлилик муддати контекстида дифференциал ёндашувни талаб қилади. Яроқлилик муддати ичида товарнинг нуқсонли бўлиши натижасида келиб чиқадиган зарар тўлиқ қоплашлигини талаб қилса, муддат тугагач келиб чиқадиган зарар учун жавобгарлик бошқача принципларга асосланади. Бунда contributory negligence (қўшма эҳтиётсизлик) доктринаси асосида истеъмолчининг ҳаракатлари ҳам зарарни келтириб чиқаришда роль ўйнаганлиги ҳисобга олинади.

Огоҳлантириш мажбурияти (duty to warn) яроқлилик муддати институтининг марказий элементларидан бири ҳисобланади. Бу мажбуриятнинг фуқаролик-ҳуқуқий табиати нафақат маълумот бериш, балки мунтазам ва адекват огоҳлантириш ҳаракатларини ташкил этишни талаб қилади. Огоҳлантириш мажбурияти ишлаб чиқарувчининг постконтрактуал мажбуриятлари

категориясига киради ва товар сотилгандан кейин ҳам давом этади. Бунда огоҳлантиришнинг долзарблиги, тушунарлилиги ва мулоқот қилиш имкониятлари каби мезонлар муҳим аҳамият касб этади.

Келишувнинг бузилиши (breach of warranty) яроқлилик муддати контекстида, айниқса мураккаб ҳуқуқий муносабатларни келтириб чиқаради. Яроқлилик муддати ичида товарнинг сифатига қўйилган талаблар экспресс ёки имплицит келишувлар билан кафолатланади. Муддат тугагач бу келишуларнинг табиати ўзгаради ва товарнинг дастлабки сифат параметрларини таъминлаш мажбурияти ўрнига хавфсизлик мажбурияти келади. Бунда келишувнинг темпорал трансформацияси принципи намоён бўлади.

Истеъмолчининг ҳуқуқлари ҳимояси контекстида яроқлилик муддати информатсион асимметрия назарияси доирасида таҳлил қилинади. Ишлаб чиқарувчи товарнинг темпорал хусусиятлари тўғрисида камроқ маълумотга эга бўлганлиги сабабли у информатсион устунликка эга. Бу эса истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун қўшимча институционал механизмларни талаб қилади. Яроқлилик муддатини белгилаш ва уни етарли даражада кўрсатиш ишлаб чиқарувчининг информатсион фидуциар мажбурияти сифатида қаралади.

Товарни қайтариб олиш институти (product recall) яроқлилик муддати билан узвий боғлиқ. Яроқлилик муддати якунланиши билан товарнинг бозордан олиб ташланиши масаласи актуал бўлади. Бунда ишлаб чиқарувчининг активлиги принципи қўлланилади - у товарнинг хавфли ҳолатга келишини назарда тутиб, муваффақиятли recall стратегиясини ишлаб чиқиши лозим. Recall мажбурияти нафақат етказилган зарарни қоплаш, балки потенциал зарарни олдини олиш функцияларини ҳам бажаради.

Сертификатлаштириш ва стандартлаштириш масалалари яроқлилик муддати контекстида регулятив compliance назарияси доирасида кўриб чиқилади. Давлат томонидан белгиланган стандартлар ва сертификатлаштириш талаблари яроқлилик муддатининг минимал чегараларини белгилайди. Бироқ ишлаб чиқарувчи бу минимал талабларни ошириш ҳуқуқига эга ва бунда у қўшимча мажбуриятлар олади. Регулятив стандартларга мос келиш (regulatory compliance) фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликдан озод этмайди, балки safe harbor (хавфсиз баргоҳ) принципи асосида жавобгарлик даражасини камайтиради.

Халқаро савдо контекстида яроқлилик муддати коллизион ҳуқуқ муаммоларини келтириб чиқаради. Турли юрисдикцияларда яроқлилик муддати тузилмаси ва ҳуқуқий оқибатлари фарқ қилиши сабабли choice of law масалалари мураккаблашади. Рим конвенцияси II ва бошқа халқаро инструментлар асосида яроқлилик муддати билан боғлиқ низолар кўриб чиқилганда қўлланилувчи ҳуқуқ аниқланади. Бунда lex loci delicti (жиноят содир этилган жой қонуни) принципи асосий роль ўйнайди.

Сақлашув институти яроқлилик муддати контекстида айниқса мураккаб ҳуқуқий муносабатларни келтириб чиқаради. Товарни сақлаш шароитлари яроқлилик муддатининг амалий реализациясига бевосита таъсир қилади. Бунда сақлаш мажбуриятлари товар эгасида, сотувчида ёки воситачи субъектларда бўлиши мумкин. Сақлашув шартларининг бузилиши яроқлилик муддатининг қисқаришига олиб келиши мумкин ва бу ҳолатда жавобгарлик сақлашувчига ўтади.

Custody принципи асосида товарни назорат қилувчи субъект унинг сифатини сақлаш учун юқори даражадаги эҳтиёт мажбуриятларини олади.

Истеъмолчининг эҳтиёт мажбурияти (consumer's duty of care) яроқлилик муддати контекстида мураккаб ҳуқуқий характерга эга. Товарнинг яроқлилик муддатини назорат қилиш, мақсадига мувофиқ ишлатиш ва муддат тугагач хавфсиз тарзда йўқ қилиш истеъмолчининг мажбуриятлари сифатида белгиланади. Бу мажбуриятларнинг бажарилмаслиги contributory negligence принципи асосида истеъмолчининг ҳаракатлари зарарни келтириб чиқаришда иштирок этганлиги сифатида баҳоланади.

Зарарнинг бўлажаклиги (future harm) концепцияси яроқлилик муддати ўтган товарлар контекстида янги мазмун касб этади. Яроқлилик муддатининг тугаши билан товар потенциал зарар манбаига айланади ва бу зарар турли вақт оралиқларида намоён бўлиши мумкин. Латент зарар (latent harm) назарияси асосида яроқлилик муддати ўтган товарлар истеъмоли натижасида келиб чиқадиган зарар дарҳол намоён бўлмаслиги ҳам мумкин. Бунда discovery rule принципи қўлланилади - жавобгарлик даъвоси муддати зарар очилган кундан бошлаб ҳисобланади.

Товарнинг юридик “ўлими” концепцияси яроқлилик муддати институтининг философик асосларини ташкил этади. Бу концепция асосида товар яроқлилик муддати тугаши билан ўзининг дастлабки ҳуқуқий мақомини йўқотади ва янги ҳуқуқий режимга ўтади. Бунда товарнинг иқтисодий қиймати, фойдали хусусиятлари ва ҳуқуқий мақоми ўртасидаги диалектик муносабат намоён бўлади. Товар иқтисодий жиҳатдан қийматини сақлаган ҳолда ҳуқуқий жиҳатдан “ўлиши” мумкин.

Интергенерацион жавобгарлик масалалари яроқлилик муддати контекстида долзарб. Узоқ муддатли таъсирга эга бўлган товарлар (масалан, фармацевтика маҳсулотлари) келажак авлодлар учун хавф туғдириши мумкин. Бунда temporal justice (темпорал адолат) принципи қўлланилади - ҳозирги авлод ўз ҳаракатлари билан келажак авлодларга зарар етказмаслик мажбуриятини олади. Интергенерацион жавобгарлик мураккаб институционал механизмларни талаб қилади, чунки зарар етказилган авлод ҳали мавжуд эмас.

Яроқлилик муддатининг иқтисодий анализи (economic analysis) фуқаролик ҳуқуқи контекстида самарадорлик назарияси доирасида амалга оширилади. Coase теоремаси асосида яроқлилик муддати оптимал узунлигини белгилаш транзакция харажатларини минималлаштиришга қаратилган бўлиши лозим. Бунда товар хавфсизлигини таъминлаш харажатлари билан зарарни қоплаш харажатлари ўртасидаги мувозанат топилиши керак. Pareto optimality принципи асосида яроқлилик муддати белгиланиши ҳеч кимнинг аҳволини ёмонлаштирмаган ҳолда барчанинг аҳволини яхшилаши лозим.

Поведенческая экономика (behavioral economics) принциплари яроқлилик муддати контекстида истеъмолчиларнинг ноиррационал хатти-ҳаракатларини тушунтиришга ёрдам беради. Availability heuristic принципи асосида истеъмолчилар яроқлилик муддатининг хавфларини тўлиқ англаб етмайдилар, чунки бу хавфлар нисбатан кам учрайди. Anchoring bias принципи эса истеъмолчиларнинг яроқлилик муддатини нотўғри талқин қилишларига олиб

келади. Бу когнитив хатолар ҳуқуқий системада қўшимча ҳимоя чоралари қўлланилишини талаб қилади.

Технологик инновацияларнинг яроқлилик муддатига таъсири замонавий фуқаролик ҳуқуқида янги проблематикани келтириб чиқармоқда. Нанотехнология, биотехнология ва генетик инженерия асосида ишлаб чиқарилган товарларнинг узок муддатли таъсирлари ҳали тўлиқ ўрганилмаган. Бунда precautionary principle (олдини олиш принципи) қўлланилади - ноаниқлик шароитида хавфсизлик томонига қараб қарор қабул қилинади. Янги технологиялар учун adaptive regulation принципи қўлланилади - қоидалар технология ривожланиши билан мутлақо такомиллаштирилади.

Рақамли иқтисодиёт шароитида яроқлилик муддати институти янги йўналишлар олмоқда. Blockchain технологияси орқали товарнинг яроқлилик муддати ва сақлаш тарихини қўлга киритилмас тарзда сақлаш имкони пайдо бўлмоқда. Smart contracts орқали яроқлилик муддати тугаши билан автоматик равишда муайян ҳуқуқий оқибреклер (товарни сотишни тўхтатиш, огоҳлантириш юбориш) ишга туширилиши мумкин. IoT сенсорлари орқали товарнинг ҳақиқий ҳолатини реал вақтда назорат қилиш ва яроқлилик муддатини динамик равишда мослаштириш имкониятлари пайдо бўлмоқда.

Экологик масъулият принципи яроқлилик муддати институтида муҳим роль ўйнамоқда. Circular economy концепцияси асосида товарларнинг умумий ҳаёт цикли ҳисобга олинади ва яроқлилик муддати тугагач товарни қайта ишлаш ёки хавфсиз йўқ қилиш мажбуриятлари белгиланади. Extended producer responsibility принципи асосида ишлаб чиқарувчи товарнинг бутун ҳаёт цикли давомида, шу жумладан яроқлилик муддати тугагандан кейин ҳам унинг экологик таъсири учун жавобгар бўлади.

Янги пандемия реаллиги шароитида яроқлилик муддати институти қўшимча мураккабликларни келтириб чиқармоқда. Тиббий маҳсулотлар, шахсий ҳимоя воситалари ва дезинфекцияловчи воситаларнинг танқислиги шароитида яроқлилик муддати тугаган товарларни фойдаланиш масаласи актуал бўлмоқда. Бунда emergency use authorization принципи қўлланилади - фавқулодда ҳолатларда маълум шартлар остида яроқлилик муддати тугаган товарларни ишлатишга рухсат берилади.

Глобаллашув жараёнида яроқлилик муддати институти юрисдикциялараро мувофиқлаштириш муаммоларини келтириб чиқармоқда. Глобал товар занжирларида турли мамлакатларда турли яроқлилик муддати стандартлари қўлланилиши товар ҳаракатида қийинчиликлар туғдирмоқда. Бунда гармонизация жараёнилари орқали халқаро стандартларни яқинлаштириш зарурати туғилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, товарларнинг яроқлилик муддати институти замонавий фуқаролик ҳуқуқида товар сифати ва хавфсизлиги билан боғлиқ ҳолда ғояда мураккаб ҳуқуқий конструкцияни ташкил этади. Бу институт темпорал детерминизм, динамик мажбуриятлар, интергенерацион жавобгарлик, технологик инновациялар таъсири ва экологик масъулият каби замонавий фуқаролик ҳуқуқининг энг мураккаб масалаларини ўзида мужассамлаштиради. Институтнинг кейинги ривожланиши рақамли технологиялар, sustainable development мақсадлари ва global governance принципларининг интеграцияси йўналишида

кузатилмоқда. Демак яроқлилик муддати - товар хавфсизлигининг абсолют чегараси. Бу муддат тугагач товар нафақат ўз функцияларини йўқотади, балки инсон саломатлиги учун бевосита хавф туғдиради.

Хизмат муддати — бу товарнинг ўз мақсадли вазифаларини бажариши мумкин бўлган муддатдир. Ушбу муддат давомида товарнинг техник хусусиятлари, эксплуатация имкониятлари ва хавфсизлик даражаси ишлаб чиқарувчи ёки сотувчи томонидан кафолатланади. Хизмат муддати — фақат ишлаб чиқарувчининг тавсияси эмас, балки у ҳуқуқий муносабатларда кафолат вазифасини ҳам бажаради. Хизмат муддати тугагач товардан фойдаланишни тўхтатиш зарурлиги - бу биринчи навбатда хавфсизлик талабидир. Чунки бу муддатдан кейин товар ўзининг ишончлилигини йўқотиши ва потенциал хавф манбаига айланиши мумкин.

Дж.Бабаевнинг таҳлилига кўра хизмат муддати - товардан фойдаланишнинг белгиланган муддати бўлиб, у тамом бўлгач товарнинг техник ҳолатидан қатъий назар, ундан фойдаланиш тўхтатилиши лозим. Товарнинг хизмат қилиш муддатлари одатда узоқ муддат фойдаланишга мўлжалланган товарга нисбатан татбиқ этилади ва қанча товардан фойдаланиш мумкинлигини англатади. Тегишли муддат ўтгач эса товарнинг техник ҳолатидан қатъий назар товардан фойдаланмаслик лозим бўлади. Масалан, телевизорнинг хизмат қилиш муддати 20 йил қилиб белгиланган бўлса, бу муддатнинг ўтиши билан истеъмолчи телевизордан фойдаланишни тўхтатиши лозим. Акс ҳолда юзага келган зарар учун ишлаб чиқарувчи ва сотувчи жавобгар бўлмайди[8].

Товарнинг хизмат қилиш муддати товарнинг яроқлилик муддатидан тайинланиши (белгиланиши)га кўра ҳам фарқ қилади. Одатда яроқлилик муддати меъёрий-техник ҳужжатлар билан белгиланса, хизмат қилиш муддати ишлаб чиқарувчининг ўзи томонидан ёки ишлаб чиқарувчи билан истеъмолчи ўртасидаги келишув билан белгиланади. Бунда ишлаб чиқарувчи ўзи ишлаб чиқарган товарнинг сифати, чидамлилиги, бардошлилиги ва бошқа жиҳатларига асосланиб, ундан қанча вақтгача фойдаланиш мумкинлигини аниқлайди. Товарнинг хизмат қилиш муддати товар истеъмолчига топширилган пайтдан бошлаб, агар бундай пайтнинг аниқлашнинг имкони бўлмаса, товар ишлаб чиқарилган пайтдан бошлаб ҳисобланади.

Ишлаб чиқарувчи товардан кафолат муддати ва хизмат муддати мобайнида фойдаланиш имкониятини таъминлаши, товарнинг таъмирланишини ва унга техник хизмат кўрсатилишини ташкил этиши, товарни ишлаб чиқариш муддати мобайнида ҳамда у ишлаб чиқаришдан олиб ташланганидан кейин товарнинг хизмат муддати мобайнида, бундай муддат бўлмаган тақдирда эса, товар ишлаб чиқаришдан олиб ташланган пайтдан эътиборан ўн йил мобайнида етарли ҳажмда ва турда эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқариш ҳамда савдо ва таъмирлаш ташкилотига етказиб бериши шарт (“Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 11-моддаси). Ушбу қоидада белгиланган ҳолатлардан келиб чиқиб, товарнинг хизмат қилиш муддати мобайнида ишлаб чиқарувчининг зиммасида қуйидаги мажбуриятлар борлигини кўрсатиш мумкин:

товардан фойдаланиш имкониятини таъминлаш;

товарнинг таъмирланишини ва унга техник хизмат кўрсатилишини ташкил этиш;

ўзи ишлаб чиқарган товарга етарли ҳажмда ва турдаги эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқариш ҳамда савдо ва таъмирлаш ташкилотларига етказиб бериш.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, хизмат муддати — товарнинг “қонуний ҳаёти”, сифат — унинг ишлатиш яроқлилиги, хавфсизлик эса унинг инсон ва жамият учун безарарлигини ифода этади. Ушбу учлик биргаликда истеъмолчи ҳуқуқларининг кафолати бўлиб хизмат қилади. Шу боис, фуқаролик ҳуқуқи нуқтаи назаридан бу масалаларни ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан пухта тарзда ҳуқуқий тартибга солиш талаб этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Зокиров И. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи -Т.: Адолат, 1996. -126 б.; Гражданское право. Учеб.Т.3. т.1/Под.ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. -М.: Проспект, 1998. -298-с.
2. Д.Бабаев. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш. – Тошкент: Тошкент давлат юридик университети, 2021. – Б.49
3. Шешенин Е. Претензионные и гарантийные сроки в договоре купли-продажи // Советская юстиция. – 1968. – № 2. – С. 20-23.
4. Хуснутдинов Ф.Г. Правовая природа гарантийных сроков в потребительских отношениях. Вестник экономики, права и социологии, 2016, № 1. С.215
5. Петров И.Н. Регламентация гарантийных сроков качества продукции // Советское государство и право. – 1968. – № 11. – С. 80-83.
6. Д.Бабаев. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш. – Тошкент: Тошкент давлат юридик университети, 2021. – Б.49
7. Раҳмонкулов Ҳ. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар.-Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси.1998. Т.2. (1). -47-б.
8. Д.Бабаев. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш. – Тошкент: Тошкент давлат юридик университети, 2021. – Б.49